



**ЧИРЧИҚ ШАҲАР 3-СОНЛИ
“БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБИ”**

**ЧИРЧИҚ ШАҲАР “БАРКАМОЛ АВЛОД”
БОЛАЛАР МАКТАБИ**

ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ



ХАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ

Чирчиқ шаҳри

5 январь, 2023 йил .

Чирчиқ шаҳар 3-сонли “Болалар мусиқа ва санъат мактаби”, устав асосида директори А. У Улугбеков томонидан юритилувчи, кейинги ўринларда “Болалар мусиқа ва санъат мактаби” деб аталувчи ташкилот, бир томондан, ва Чирчиқ шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактаби, низом асосида директор С.Д Давлетова томонидан юритилувчи, кейинги ўринларда “Баркамол авлод” болалар мактаби деб аталувчи ташкилот, иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб аталувчилар, ушбу Меморандумни (кейинги ўринларда “Меморандум”) Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ, қуйидаги мазмунда туздилар:

1. Меморандум предмети

1.1. Ушбу Меморандумнинг предмети тарафлар ўртасида таълим, консалтинг, малака ошириш, шунингдек, илм-фан ва тадқиқот фаолиятларидаги ҳамкорликдир.

1.2. Ушбу Меморандум тарафларнинг ўзаро ҳамкорлигининг умумий тамойилларини белгилайди ва тарафларга молиявий мажбуриятларни юкламайди. Ҳамкорлик қўлами ва доирасини кенгайтириш ва чуқурлаштиришни назарда тутадиган ушбу Меморандумни ишлаб чиқишда ҳамкорликнинг айрим йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, уларни амалга оширишнинг ташкилий шакллари аниқлаш мақсадида, шунингдек, тарафларнинг молиявий мажбуриятларини, ахборотнинг махфийлиги масалаларини, интеллектуал мулк объектларига тарафларнинг ҳуқуқларини ва ҳамкорликни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган бошқа жихатларни аниқлаш учун тарафлар ўзаро ва алоҳида учинчи томон ташкилотларини жалб қилган ҳолда шартнома ва битимлар туздилар. Ҳамкорликни амалга ошириш учун тарафлар ўзларининг, ҳамда халқаро ташкилотлар ва фондларнинг маблағларини жалб қилишлари.

2. Ҳамкорликнинг асосий йўналишлари

2.1. Тарафлар ўз ваколатлари доирасида қуйидаги асосий йўналишларда ҳамкорлик қилишади:

2.1.1. Ҳамкорликда “Баркамол авлод” болалар мактабининг маданият ва санъат йўналишидаги тўғарақлар учун дастур ва қўлланмалар ишлаб чиқиш.

2.1.2. Ўзаро манфаатли соҳаларда илмий ҳамкорликни йўлга қўйишга қўмаклашиш;

2.1.3. “Баркамол авлод” болалар мактабида ташкил этилаётган онлайн, онлайн машгулотларга “Болалар мусиқа ва санъат мактаби”дан маданият соҳасидаги профессионал мутахассисларни амалдаги конунчиликка мувофиқ, шартнома асосида жалб қилиш;

2.1.4. Ўзаро қелишув бўйича бошқа йўналишларда ҳамкорлик қилиш.



3. Хамкорлик шакллари

3.1. Хамкорлик шакллари, тарафларнинг ахборот-маслахат хамкорлигини белгилайди, шу жумладан:

3. 1.1. Тарафлар манфаатларига дахлдор режалаштирилган тадбирлар тўғрисида маълумот алмашиш;

3. 1.2. Конференциялар, семинарлар, тренингларни биргаликда ўтказиш, тарафларнинг минтакавий ва халқаро тадбирларида иштирок этиш;

3. 1.3. Тарафлар ушбу Меморандум доирасида хамкорликни мувофиқлаштириш учун масъул шахсларни ўз ходимлари орасидан олдиндан белгилайдилар;

3.2. Тарафлар ўртасидаги ўзаро хамкорликнинг истикболли йўналишларини ифодаловчи ушбу Меморандумда назарда тутилмаган хамкорлик шакллари қўшимча ёки алоҳида шартномалар билан тасдиқланади.

3.3. Тарафлар ушбу меморандумни амалга ошириш доирасида бир-бирларидан керакли маълумотларни сўрашга ҳақлидирлар.

4. Хамкорлик шартлари

4.1. Ушбу Меморандум тарафларга молиявий мажбуриятларни юкламайди.

4.2. Тарафлар томонидан бир-бирига тақдим этиладиган маълумотлар махфий ҳисобланади (ошкор этувчи тарафнинг аниқ ифода этилган ниятига мувофиқ очик маълумотлар бундан мустасно). Тарафлар олинган махфий маълумотларнинг учинчи шахсларга ошкор қилинишининг олдини олиш учун зарур чораларни кўрадилар.

4.3. "Болалар муסיқа ва сан'ат мактаби" ва "Баркамол авлод" болалар мактаби ўртасидаги ушбу Меморандум бўйича реклама соҳасидаги хамкорлик шакли икки тарафнинг ички позициясига мувофиқ амалга оширилади.

4.4. Ушбу Меморандум бўйича барча тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

4.5. Ушбу Меморандумнинг шартлари тарафларни шартномалар ва учинчи шахсларга нисбатан қабул қилинган ҳуқуқий мажбуриятларнинг бошқа шакллари бўйича мажбуриятларидан озод қилмайди ва уларнинг бошқа хамкорлик шаклларига бўлган ҳуқуқдарини чекламайди.



5. Якуний шартлар

5.1. Ушбу Меморандумдан келиб чиққан низолар ва номувофикликлар тарафларнинг келишуви орқали хал этилади.

5.2. Ушбу Меморандумга ўзгартиришлар ва қўшимчалар тарафларнинг ўзаро келишуви бўйича тарафларнинг ваколатли вакиллари томонидан қўшимча битимларни имзолаш йўли билан киритилиши мумкин.

5.3- Ушбу Меморандум қуйида кўрсатилган ҳар иккала тараф томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва ёзма билдиришнома орқали бекор қилинганга қадар амал қилади. Бундай ҳолда, ушбу Меморандум тарафлардан бири бошқа тарафнинг ёзма хабарномасини олган кундан бошлаб олти ой ўтгач кучини йўқотади.

5.4. Ушбу Меморандум бир хил кучга эга бўлган икки нусхада ўзбек тилида тайёрланган.

6. Тарафлар имзоси

Чирчиқ шаҳар
3-сонли "Болалар мусиқа ва
санъат мактаби" директори:

А. У Улугбеков



Чирчиқ шаҳар
"Баркамол авлод" болалар
мактаби директори:

З. С Давлетова



“Kelishildi”
Chirchiq shahar “Barkamol avlod”
direktori



Z.S.Davletova



“Tasdiqlayman”
Chirchiq shahar 3-son
BMSM direktori
A.U.Ulugbekov

**2023 yil uchun Chirchiq shahar 3-son Bolalar musiqa va san'at maktabi hamda
Chirchiq shahar “Barkamol avlod” maktabi o'rtasidagi hamkorlik bo'yicha
chora-tadbirlar rejasi**

№	O'tkazilgan tadbir nomi	O'tkazilgan sana	Ma'sul
1	Chirchiq shahar 3-son BMSM hamda “Barkamol avlod” maktabi o'rtasidagi hamkorlik memorandumini imzolash	Yanvar	A.U.Ulugbekov Z.S.Davletova
2	Xoreografiya yo'nalishida mahorat darslari va ijodiy uchrashuv	Fevral	N.K.Ashrapova N.K.Matyakubova
3	“Navro'z” umumxalq bayrami munosabati bilan hamkorlikdagi konsert dasturi	Mart	D.B.Abbyazova va barcha bo'lim boshliqlari
4	Tasviriy va amaliy san'at bo'yicha tanlov o'tkazish va ko'rgazma tashkil etish	Aprel	L.O'.Mirsoatova
5	“9-may Xotira va qadrlash” bayrami munosabati bilan hamkorlikdagi tadbir dasturi	May	D.B.Abbyazova va barcha bo'lim boshliqlari
6	Barkamol avlod o'quvchilari uchun hisobot konserti tashkil etish	Iyun	D.B.Abbyazova va barcha bo'lim boshliqlari
7	“Mustaqillikning 32 yilligi”ga bag'ishlangan konsert dasturiga Barkamol avlod o'qituvchilarni va o'quvchilarni taklif etish	Sentyabr	D.B.Abbyazova
8	“1-oktyabr O'qituvchi va murabbiylar” kuni munosabati bilan hamkorlikda tashkil etiladigan tadbir dasturi	Oktyabr	D.B.Abbyazova va barcha bo'lim boshliqlari
9	Ijro intizomi xujjatlar bilan ishlash bo'yicha tajriba almashinuvi	Noyabr	S.A.Abdullayeva
10	“Yangi yil ertagi” deb nomlangan teatr dasturiga Barkamol avlod o'quvchilarni taklif etish	Dekabr	O.T.Mavlyanov